

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ – ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ҲУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛИ

Акрамжонов Иқболжон Акрамжон ўғли
Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги
университети тингловчиси.

Аннотация: Мазкур мақолада Конституциянинг демократик давлат қурилишидаги ўрни, унинг ҳуқуқий пойдевор сифатидаги аҳамияти ҳамда ҳуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги роли таҳлил этилган. Шунингдек, янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон кадри, халқ иродаси ва давлатнинг жавобгарлиги тамойиллари мустаҳкамлангани ҳақида фикр юритилган. Муаллиф томонидан Конституциянинг давлат бошқаруви тизимидаги функцияси, демократик принципларнинг ҳуқуқий ифодаси ва қонун устуворлиги ғоясининг амалий аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: Конституция, демократия, ҳуқуқий давлат, ҳуқаролик жамияти, инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги.

Аннотация: В данной статье анализируется роль Конституции в построении демократического государства, её значение как правовой основы, а также роль в обеспечении прав и свобод граждан. Кроме того, рассматриваются положения новой редакции Конституции Республики Узбекистан, в которой закреплены принципы ценности человека, воли народа и ответственности государства. Автор раскрывает функции Конституции в системе государственного управления, правовое выражение демократических принципов и практическое значение идеи верховенства закона.

Ключевые слова: Конституция, демократия, правовое государство, гражданское общество, права человека, верховенство закона.

Аннотатсион: Тҳис артисле анализес тҳе роле оф тҳе Сонститутион ин буилдинг а демосратис стате, итс сигнифисансе ас а легал фоундатион, анд итс роле ин енсуринг ситизенс ригхтс анд фреедомс. Ит алсо ехаминес тҳе провисионс оф тҳе нёу едитион оф тҳе Сонститутион оф тҳе Републис оф Ўзбекистан, вҳисх енсхрине тҳе принсиплес оф хуман дигнитй, тҳе вилл оф тҳе пеопле, анд стате ассоунтабилитй. Тҳе аутҳор хигхлигхтс тҳе фунстионс оф тҳе Сонститутион витҳин тҳе сйстем оф стате говернансе, тҳе легал експрессион оф демосратис принсиплес, анд тҳе прастисал импортансе оф тҳе руле оф лау.

Кейвордс: Сонститутион, демосрасй, руле оф лау, сивил сосиетй, хуман ригхтс, супремасй оф лау.

КИРИШ

Ҳар бир давлатнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори, сиёсий тизими ва жамиятнинг барқарор ривожланиш кафолати — бу унинг Конституциясидир. Конституция давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий ҳуқуқий мезони сифатида хизмат қилади. У нафақат давлат тузилишини белгилайди, балки ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ҳокимиятининг чегараларини ва унинг жавобгарлигини ҳам аниқлайди.

Конституциянинг мавқеи шунчалик юксакки, у давлат ҳаётининг барча соҳалари — сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалар учун ҳуқуқий дастур вазифасини бажаради. Зеро, демократик жамиятда ҳуқуқ устуворлиги ва қонунчилик тизимининг изчиллиги айнан Конституциядан бошланади. Шу маънода у давлат ва жамиятнинг “ҳуқуқий кодекси” ёки “ижтимоий шартномаси” сифатида эътироф этилади.

Янги таҳрирда “Инсон қадри — жамият ва давлат фаолиятининг энг олий мақсади” деган тамойил Конституциявий норма даражасига кўтарилди. Бу эса инсонпарвар демократик давлат барпо этиш йўлидаги қатъий қадамдир. Конституция орқали давлат фуқарога, унинг манфаатига хизмат қиладиган тизимга айланмоқда.

Шу боисдан ҳам Конституция демократик давлатнинг ҳуқуқий пойдевори сифатида фақат ҳуқуқий ҳужжат эмас, балки жамият тараққиётининг сиёсий, маънавий ва фалсафий асоси ҳамдир. У давлат ҳокимиятининг қонунийлиги, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва жамиятнинг бирдамлигини таъминловчи барқарор таянч бўлиб хизмат қилади.

Айтиш жоизки, инсоният тарихи ихтироларга бой. Шу ихтиролар натижасида ҳаёт ривожланиб, яшаш учун имкониятлар кенгайиб боради. Ҳар қандай ихтиролар у табиат қонуни бўлсин, жамият қонуни бўлсин, ёки турмуш тарзини енгиллаштирадиган бўлсин ё тасодиф туфайли ёки зарурият туфайли вужудга келади. Ихтироларни, янгиликларни вужудга келишига инсон ақл-заковати, турмуш тарзи, онги таъсир қилади.

Инсоният тарихида инсонларни ақл-заковати махсули сифатида ихтиро қилинган ва тараққиётга катта ҳисса қўшган ихтиролардан бири Конституциядир. У дастлаб алоҳида бир мақсад, вазифани бажариш учун вужудга келган бўлса, кейинчалик унинг вазифалари кенгайиб борди.

Конституция дастлаб АҚШда вужудга келганида унинг тўғридан-тўғри вазифаси ҳокимият бўлиниши принципини ўрнатиш билан, давлат ҳокимиятининг чеклаш, тартибга солиш бўлиб, шу орқали инсоннинг эркинлигини таъминлаш бўлган. АҚШ Конституцияси тўртта масалани яъни: қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро ҳокимияти, суд ҳокимияти, федерация ва унинг субъектларининг ваколатларини белгилаб қўйган. Унда инсон ҳуқуқлари,

жамиятнинг бошқа институтларини мустахкамлаш каби масалалар кўзда тутилмаган. Фақат инсон ҳуқуқларига тааллуқли “Конгресс инсон ҳуқуқларига зид қонун қабул қилиши мумкин эмас” деган қоида мавжуд бўлган. Кейинчалик АҚШ Конституциясига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар инсон ҳуқуқларига тааллуқли бўлди¹ ва Конституция фақат ҳокимиятни ташкил қилиш ва фаолиятига тегишли ҳужжатдан инсон ҳуқуқларини белгиловчи ҳужжатга айлана борди. Натижада ҳокимият билан инсон манфаати ўртасида мутаносиблик вужудга келди.

Кейинги Конституциялар, ҳокимият ва инсон муносабатида инсон манфаатларини устиворлигини таъминлаш йўлидан борди. Буни Конституцияларда дастлаб, биринчи навбатда инсон ҳуқуқларига тааллуқли масалалар ҳал қилинганида ҳам кўриш мумкин. Жумладан Германия Федерацияси Конституциясининг 1-бўлими “Асосий ҳуқуқлар” деб аталиб, унинг 1-моддасида “Инсон қадри дахилсиздир. Уни ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш ҳар қандай давлат ҳокимиятининг бурчидир” деб белгиланган².

Шунингдек кейинги қабул қилинаётган Конституцияларда инсон масаласи Конституцияларнинг дастлабки бобларида берилмоқда. Лекин ҳамма Конституцияларда ҳам инсон ҳуқуқлари Конституцияда устивор масала бўлиб ҳисобланса ҳам, инсон ҳуқуқларини давлат манфаатларига хизмат қилдириш ҳоллари учраб туради. Жумладан Собик иттифоқ давридаги Конституцияларда ҳам инсон ҳуқуқлари кенг белгиланган бўлсада улардан давлат манфаати йўлида фойдаланиш кўрсатиб қўйилган эди. Масалан СССР Конституциясида фуқароларга митинглар, намойишлар ўтказиш ҳуқуқи берилиб, бу ҳуқуқдан фақат социалистик тузумни риожлантириш учун фойдаланиш мумкунлиги белгилаб қўйилган эди. (СССР Конституциясининг 50-моддаси)³. Ҳудди шундай қоида ЎзССР Конституциясида ҳам бўлган.

1991 йилдаги Ўзбекистоннинг мустақиллиги ўз Конституциясини мустақил қабул қилиш имкониятини берди. Конституция лоихасини тайёрлашда демократик хорижий мамлакатлар Конституцияларини, халқаро ҳуқуқ нормаларини ўрганиш, таҳлил қилиш натижасида бўлажак Конституциямизда инсон ҳуқуқлари бош масала қилиб олинди.

Конституциянинг иккинчи бўлими “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинлик ва бурчлари” деб номаниб унинг 6 та боби инсон

¹ Конституционное право зарубежных стран: учеб. для вузов / под общ. ред. М. В. Баглая. – М.: НОРМА, 2010. – С. 431-438

² Конституции мира (Сборник конституций государств мира. т. 1) Составители и авторы введения, вступительных статей У.Таджиханов и А.Х.Саидов. – Т.: Академия МВД, 1997. – С. 360-342

³ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Конституцияси. Т: “Ўзбекистон”, 1977 йил.

хуқуқларига бағишланди”. Унда барча фуқароларнинг миллатидан қатий назар қонун олдида тенглиги белгиланди⁴.

Ўзбекистонда Конституция қабул қилиниши (1992 йил 8 декабрь) мустақил давлатчилик асосларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Янги таҳрирда қабул қилинган Конституция (2023 йил 30 апрелдаги референдум орқали) эса инсон қадри ва халқ манфаатларини устувор қиймат сифатида белгилади.

Ўзбекистонда 2023 йида янги таҳрирда Конституция қабул қилиниши масаласи кўтарилганда, унда инсон ҳуқуқларини янада кенгайтириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш механизмини, инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат маъсулиятини кучайтириш зарурати мавжудлигидан келиб чиқилди. Буни Конституциянинг қуйидаги янги ҳолатларида кўриш мумкин.

Аввало Конституция Олий юридик кучга эгаллиги, тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжат эганлиги белгиланди (15-модда). Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилиши, Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларининг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилаши;

Давлат томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги; Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши белгилаб қўйилди (20-модда).

Ҳуқуқий давлат ғояси Конституциянинг ўзагини ташкил этади. Ҳуқуқий давлат дегани — бу барча органлар ва мансабдор шахслар фаолияти қонун билан чекланган ва назорат қилинадиган давлатдир. Фуқаролик жамиятининг ривожланиши ҳам Конституция нормаларига асосланади. Масалан, янги таҳрирдаги Конституцияда нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, оила институти ва таълим соҳасидаги ҳуқуқлар алоҳида мустаҳкамланди.

Конституция жамиятнинг барча соҳаларида инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш учун ҳуқуқий асос яратади. Бу эса қонун устуворлиги ва адолат тамойилларини ҳаётга татбиқ этишнинг кафолатидир.

Конституциямизда фуқароларнинг сиёсий соҳадаги ҳуқуқларни ҳам кенгайтирилди, унга мутлақо янги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эгадирлар” деган қоида киритилди (37-модда). Бу фуқароларнинг давлат бошқарув ишларида иштирокига тенг имконият яратади. Конституцияга хомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрдаги Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021. – 76 б.

камайтиришни тақиқловчи қондани киритилиши эса, аёлларни жамиятдаги ўрни муносиб бўлишига қаратилган эътибордир.

Ҳар кимни уй-жойи бўлиш ҳуқуқи, ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотга эга бўлиши ҳуқуқи, ўқитувчиларнинг мақомини алоҳида белгиланиши, шаъни, кадр-қиммати химоя қилиниши, уларга алоҳида ғамхўрлик қилиш кераклиги, давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, ишсизликдан химоя қилиш, камбағалликни қисқартириш чораларини кўришини Конституцияда қайд қилиниши ва Конституциявий даражада белгиланиши Ўзбекистонни халқпарвар давлат эканлигидан далолат беради.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг кучли ва таъсирчан жihatларидан яна бири-унда инсон ҳуқуқларининг кафолатларини белгилашга янгича ёндашувдир. Конституциянинг 54-моддасида “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир. Давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларида мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди” – деб мустаҳкамлаб, ўз зиммасига катта, маъсулиятни олди. Бу норма давлатнинг мақсади асосида, маъсулиятини Конституциявий даражада мустаҳкамлади. Бу тарзда маъсулиятни мустаҳкамланганлиги барча давлат Конституцияларида учравермайди.

Конституциядаги инсон ҳуқуқларини белгиловчи кўплаб моддаларда шу нормани ижросини таъминлаш давлат зиммасида эканлигини ёзиб қўйилганлиги давлатнинг шу маъсулиятдан келиб чиқади.

Давлатнинг маъсуляти-мажбурияти бир неча моддаларда, шу нормани “таъминлаш”, “шарт-шароит яратиш”, “чора кўриш”, “ғамхўрлик қилиш учун шарт-шароит яратиш” каби маъсуляти тўғридан-тўғри Конституция моддаларида кўрсатилган (29, 33, 43, 47, 49, 50, 53, 57-моддалар). Конституцияда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатлари тизими, фуқароларга ўз ҳуқуқларини химоя қилиш имкониятлари кенгайтирилди. Жумладан ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан химоя қилишга ҳақли эканлиги; ҳар ким қонунчилик ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий химояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилувчи халқаро органларга мурожат қилишига ҳақли эканлиги белгиланди (55-модда).

Бу мутлақо янги ва ҳуқуқларни химоя қилишининг кучли воситасидир. Конституцияда инсон ҳуқуқларини химоялашда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар вазифаси белгиланди. Унга асосан, миллий институтлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилишнинг мавжуд шакллари ҳамда

воситаларини тўлдиради, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга кўмаклашади (56-модда).

Конституцияда меҳнатга лаёқатсизлар, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, аҳолининг эҳтиёжманд қисми, хотин-қизлар ҳуқуқи алоҳида ҳимояланиши белгиланди.

Фуқаро ҳуқуқларини ҳимоялаш фақат шахснинг ҳуқуқий ҳолатига тааллуқли бобларда, моддалардагина эмас, Конституциянинг бошқа моддаларида ҳам учрайди. Конституциянинг 133-моддасида, фуқаролар, агар суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситалардан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда кўриб чиқиши тугалланган муаян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожат қилишга ҳақли, - деган қоида бунга мисол бўлади. Конституцияга киритилган бу янги қоида, фуқаролар ҳуқуқини кафолатларини кучайтириши билан бирга, Конституциявий суд фаолиятини кучайтиришга ҳам қаратилди.

Шунингдек, Конституцияга махсус “Адвокатура” бобининг киритилиши ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлаш чораларини кучайтирилганлигини кўрсатади. Тажрибадан маълумки, инсон ҳуқуқларини Конституцияда белгиланиши масалани бир томони, Конституцияларда у турлича ва ҳар томонлама белгиланиши, чиройли сўзлар билан ёзиб қўйилиши мумкин. Совет давридаги Конституцияларда ҳам инсон ҳуқуқлари яхши белгиланган эди. Лекин уларни амал қилиши қониқарсиз эди. Шунинг учун Конституциямизда инсон ҳуқуқларини мукамал ва кенг белгиланиши билан муаммолар ҳал бўлмайди. Уларни амал қилишини таъминловчи кучли механизм ва шароитлар бўлиши зарур.

Ўзбекистон Президентининг қуйидаги “Ҳаммамиз яхши тушунамизки, қонунларни қабул қилиш – бу ишнинг бир қисми ҳолос. Асосий масала-қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва маъсул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир” деган сўзлари ҳам буни кўрсатади⁵.

Шунинг учун Конституция нормаларини ҳаётга тадбиқ этишни таъминлашни кўзда тутувчи, Президентнинг 2023 йил 8 майда “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди⁶. Фармонда

⁵ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 1-жилд, 2017. – Б. 107.

⁶ Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-67-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.05.2023 й., 06/23/67/0269-сон.

Конституция нормаларини, жумладан инсон ҳуқуқларига тегишли нормалари таъминлашнинг кучли механизм ва тадбирлари белгиланди. Конституция нормаларини бажарилиши учун кўплаб иқтисодий имкониятларини яратиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Булар Ўзбекистоннинг “Ижтимоий давлат” хусусиятига мос келади.

Хулоса

Хулоса ўрнида шу таъкидлаш жоизки, Конституция – демократик давлатнинг ҳуқуқий пойдевори, унинг барқарорлиги ва қонунийлиги кафолатидир. У халқ иродасини ифода этади, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилади, давлат ҳокимиятининг чегараларини белгилайди. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси демократик ислохотларнинг ҳуқуқий асосини яратиб, мамлакатнинг янги тараққиёт босқичига ҳуқуқий йўл очиб берди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (янги таҳрир). – Тошкент: 2023.
2. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси”. — Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021.
3. Саидов А.Х. “Конституциявий ҳуқуқ: назария ва амалиёт”. — Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2019.
4. Қодиров Н. “Демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари”. — Тошкент: “Фан”, 2020.
5. Давлатова Г. “Ҳуқуқий давлат ва қонун устуворлиги”. — Тошкент: “Юрист” журнали, №3, 2022.